3905/1771

QIMMATLI QOG'OZLAR BOZORI FAOLIYATINI MUVOFIQLASHTIRISH VA NAZORAT QILISH MARKAZI FARG'ONA VILOYAT BOSHQARMASI

FERGANA REGIONAL BRANCH OF THE CENTER ON COORDINATION AND CONTROL OVER FUNCTIONING OF THE SECURITIES MARKET

150100, O'zbekiston, Farg'ona , B.Marg'inoniy k-si, 35
Tel.: 998 (73) 224-69-62. Faks: 998 (73) 224-69-62

35, B.Marg'inoniy str., Ferghana, Uzbekistan, 150100
Tel.: 998 (73) 224-69-62. Fax: 998 (73) 224-69-62

ҚАРОР № 21 **«30» декабрь 2011 йил**

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази Фарғона вилоят бошқармаси "Бағдод дон махсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг 27.08.2011 йилдаги умумий йиғилиш қарори хамда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда 2000-рақам билан рўйхатга олинган "Қимматли қоғозлар эмиссияси ва эмиссиявий қимматли қоғозлар чиқарилишларини давлат рўйхатидан ўтказиш қоидалари" га асосан

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. "Бағдод дон махсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти устав фондини капитализация қилиш хисобига ошираётганлиги сабабли жамиятнинг номинал қиймати 470 сўм бўлган аввал жойлаштирилган акциялари номинал қиймати 1000 сўм бўлган янги чиқариладиган акцияларга айирбошланиши муносабати билан акциялар чиқарилуви бўйича эмиссия рисолаларининг давлат рўйхат рақамини бекор қилиш хамда янги акциялар чиқарилувини давлат рўйхатидан ўтказиш учун бошқармага қуйидаги хужжатлар тақдим қилганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

- Ариза;
- Давлат рўйхатидан ўтказишга тақдим этилаётган хужжатлар рўйхати;
- Янги акциялар чиқарилуви тўғрисида қарор (уч нусха);
- Эмиссия рисоласи (уч нусха);
- Эмитентни рўйхатга олиш картаси (2 нусха);
- Жамият акциядорларининг 27.08.2011 йилдаги умумий йиғилиш баёни нусхаси;
- Жамият уставининг хамда уставга киритилган ўзгартиришлар матнининг нотариал тасдиқланган нусхалари (икки нусхадан);
- Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувохноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
- Қимматли қоғозларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича хужжатларни кўриб чиқиш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи хужжат нусхалари;
- Қимматли қоғозларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўйича бюджетга йиғим тўланганлигини тасдиқловчи хужжат нусхаси;
- Жамият устав фондини ошириш бўйича Фарғона вилоят Давлат мулк бошқармасининг буйруғи нусхаси;
- Марказий депозитарийга акциялар харакатини тўхтатиб туриш тўғрисида юборилган хабарнома нусхаси;
- Жамиятнинг акциялар чиқарилуви бўйича 20.03.1995 йилда М0048 рақам билан, 26.06.1996 йилда М0048-2 рақам билан, 03.10.2000 йилда М0048-3 рақам билан, 08.01.2002 йилда М0048-4 рақам билан, 03.09.2004 йилда М0048-5 рақам билан хамда 01.07.2005 йилда М0048-6 рақам билан рўйхатга эмиссия рисолаларининг асл нусхалари (уларга киритилган ўзгартиришлар билан).

2. "Бағдод дон махсулотлари" очиқ акциядорлик жамиятининг устав фонди капитализация қилиш хисобига оширилганлиги хамда жамиятнинг аввал жойлаштирилган акциялари янги чиқариладиган акцияларга айирбошланиши муносабати билан жамиятнинг:

А) 20.03.1995 йилда М0048 сон билан рўйхатга олинган номинал қиймати 470 сўмдан бўлган 96681 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз (МИР RU101M0048T1) хамда 486 дона имтиёзли эгаси ёзилган хужжатсиз (МИР RU201M0048T9) кўринишдаги жами 45 668 490 сўмлик акциялар чиқарилувининг давлат рўйхат рақамлари;

Б) 26.06.1996 йилда М 0048-2 сон билан рўйхатга олинган номинал қиймати 470 сўмдан бўлган 198089 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз (МИР RU102M0048T9) хамда 995 дона имтиёзли эгаси ёзилган хужжатсиз (МИР RU202M0048T7) кўринишдаги жами 93 569 480 сўмлик акциялар чиқарилувининг давлат рўйхат рақамлари;

В) 03.10.2000 йилда М0048-3 сон билан рўйхатга олинган номинал қиймати 470 сўмдан бўлган 147385 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз (МИР RU103M0048T7) кўринишдаги жами 69 270 950 сўмлик акциялар чиқарилувининг давлат рўйхат рақамлари;

Г) 08.01.2002 йилда М0048-4 сон билан рўйхатга олинган номинал қиймати 470 сўмдан бўлган 340263 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз (МИР RU104M0048T5) кўринишдаги жами 159 923 610 сўмлик акциялар чиқарилувининг давлат рўйхат рақамлари;

Д) 03.09.2004 йилда М0048-5 сон билан рўйхатга олинган номинал қиймати 470 сўмдан бўлган 60754 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз (МИР RU105M0048T2) кўринишдаги жами 28 554 380 сўмлик акциялар чиқарилувининг давлат рўйхат рақамлари;

0107 Е) 17.06.2005 йилда М 0048-6 сон билан рўйхатга олинган номинал қиймати 470 сўмдан бўлган 430945 дона оддий эгаси ёзилган хужжатсиз (МИР RU106M0048T0) кўринишдаги жами 202 544 150 сўмлик акциялар чиқарилувининг давлат рўйхат рақамлари бекор қилинсин хамда ягона давлат реестридан чиқарилсин.

3. “Бағдод дон махсулотлари” очиқ акциядорлик жамиятининг номинал қиймати 1000 сўм бўлган 1 274 117 дона эгаси ёзилган оддий хужжатсиз хамда 1481 дона эгаси ёзилган имтиёзли хужжатсиз кўринишдаги 1 275 598 000 сўмлик янги акциялари чиқарилуви тўғрисидаги қарори давлат рўйхатига олинсин.

МИР RU107M0048T8, МИР RU207M0048T6

4. “Бағдод дон махсулотлари” очиқ акциядорлик жамиятининг аввал жойлаштирилган акциялари чиқарилуви бўйича эмиссия рисолаларининг давлат рўйхат рақамини бекор қилиш ва янги акциялар чиқарилуви бўйича қарорини рўйхатга олиш билан боғлиқ ўзгаришлар ягона давлат реестрига киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бир нусхаси “Бағдод дон махсулотлари” очиқ акциядорлик жамиятига, бир нусхаси Марказий депозитарийга маълумотлар базасига ўзгартириш киритиш учун тақдим этилсин.

6. Мазкур қарорни ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Депо рақами: 0003905

Бошқарма бошлиғи: **Ю.Шокиров**